


O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
(16 fevral, 2021 yil)

BIRINCHI QISM

Toshkent - 2021



**MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA TIBBIY TA'LIM TIZIMINI
TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI**

**ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ МЕДИЦИНСКОГО
ОБРАЗОВАНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНО АЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ**

**PROBLEMS OF IMPROVING THE SYSTEM OF MEDICAL EDUCATION IN
THE REGION OF CENTRAL ASIA**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ
МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ**

*Саломова Ф.И., Ахмадалиева Н.О., Абдукадирова Л.К.,
Садуллаева Х.А., Шарипова С.А.
Тошкент тиббиёт академияси*

Аннотация. Мақолада Олий таълим муассасаларида таълим йўналишида ўқув жараёни масофавий ўқитишнинг ташкил қилиниши, унинг олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун афзалликлари ҳамда масофавий ўқитишнинг муаммолари ёритилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим, олий таълим муассасаси, талабалар, масофавий ўқитиш, афзалликлар, камчиликлар.

Охириги йилларда иқтисодийнинг, ижтимоий ҳаётнинг реал талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича ихтисослик йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-2909 07.05.2017), “Тиббий санитария соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш тадбирлари тўғрисида” ги (М4-4666-сонли 07.04.2020) Қарорлари олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган.

Олий таълим муассасаларида, айниқса тиббий таълим йўналишида ўқув жараёни ташкил қилиш ва уни оқилона амалга ошириш мураккаб жараён ҳисобланади. Бу жараённи ҳал этиш, албатта, таълим муассасаси педагог

ходимларининг касбий маҳорати, муайян йўналиш ва мутахассислик бўйича кадр тайёрлаш тўпланган тажриба, илмий изланишлар асосида тартибга туширилган таълим стандартлари, уни ҳуқуқий жиҳатдан таъминловчи меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётлар тизими, шунингдек, ахборот технологиялари асосида амалга оширилади [2]. Ҳозирги босқичда соғлиқни сақлаш тизими тор маънода фақат "малакали мутахассислар" эмас, балки зарур малакаларга эга бўлган ижодкор шахслар ва улар асосида бошқа мутахассисларни тайёрлашнинг янги усулларини яратиш, кадрлар тайёрлашда узоқни кўзлаб иш юритиш лозим. Бу кадрлар тайёрлашнинг асосий компоненти ҳисобланади ҳамда у мамлакатимизда давлат аҳамиятига эга.

Кўпгина тадқиқотчилар тиббий таълимда инновацион усуллардан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратадилар, бу эса ўз навбатида тиббиёт илмий-тадқиқот ташкилотлари ва университетларининг илмий-инновацион салоҳиятини ривожлантиришни таъминланишини ва мамлакат соғлиқни сақлаш тизимининг рақобатбардошлигини оширишга шароит яратади деб таъкидлайдилар [1].

Талабаларнинг фундаметал тайёргарлиги, таълим йўналишидан қатъий назар, ахборот технологиялари ривожланишининг ҳозирги босқичида интернет технологияларидан фойдаланмасдан иложи йўқ ва бугунги кунда деярли ҳар бир олий ўқув юрти ўз талабаларига интернет орқали билим олиш имкониятини беришга тайёр. Таълим муассасаларини автоматлаштириш таълим миллий лойиҳасининг устувор йўналишларидан биридир.

Ҳозирги кунда масофадан ўқитишни ташкил этиш масаласи кун сайин долзарблашиб бормоқда. Интернет тармоғига ҳар куни минглаб янги фойдаланувчилар уланади, шунинг учун интернет янада қулай бўлмоғи ва мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига кириб бориши лозим [3].

Жаҳонда кечаётган коронавирус пандемияси кўп соҳаларда инсонлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳатто консерватив соҳа ҳисобланадиган таълим тизимини ҳам янги шароитларга тезкор мослашишга ва ўзгача тартиб-қоидалар бўйича иш олиб боришга мажбур қилди. Жаҳон экспертлари пандемия туфайли жорий қилинган қатъий карантин қоидалари таълим, жумладан олий таълим учун янги имкониятлар яратганини эътироф этишмоқда [4].

Халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ), ҳамда Жаҳон банки ушбу пандемияни ўрта, махсус ва олий таълимнинг форс-мажор вазиятларга тайёргарлигини текширувдан ўтказётган ҳолат деб баҳолашмоқда [Uzanalytics.com]. Бунинг сабаби, жаҳондаги барча таълим муассасалари янги форматга ўтиб, оммавий тарзда масофали ўқитиш тажрибасини қўллашга мажбур бўлишди. Ахборот-коммуникация технологияларининг ҳозирги ривожланиш даражаси ХХІ асрда масофавий таълимнинг глобал тизимини яратишнинг реал имконияти ҳақида гапиришга асос беради. Бу эса, янгича ёндашувлар асосида, жисмоний жиҳатдан бир-биридан қанчалик узоқда бўлишидан қатъий назар, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бевосита мулоқотнинг самарасини таъминлаш

имконини беради. Масофавий таълим тизимининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши келажакда электрон кутубхоналар ва янги турдаги университетларни яратишга олиб келиши керак, бу бутун жаҳон ҳамжамияти учун ягона таълим маконини шакллантириш учун ҳақиқий пойдевор бўлади. Масофавий таълим технологиялари (МТТ) томонидан тақдим этилган имкониятлардан фойдаланиш ўқитиладиган материал ҳажмининг кескин ўсиши, унинг доимий янгиланиши, ўқув матнларини тайёрлаш ва таълим муҳитини ривожлантиришдаги қийинчиликлар билан боғлиқ таълим мазмунини ишлаб чиқишда кўплаб фундаментал муаммоларни бартараф этишга олиб келади.

Лекин шуни ҳам таъкидлашимиз лозимки, таълим тизимидаги бу ўзгариш ўз ўрнида афзалликлар билан бир қаторда муаммоларни келтириб чиқаради. Биринчидан, интернет технологияларидан фойдаланиш учун ўқитувчи ва талабаларда рақамли саводхонликнинг етарли эмаслиги, иккинчидан, интернет тезлигининг пастлиги, учинчидан эса, баъзи туманларда интернетга уланиш имкониятининг камлиги ёки аҳолининг аксарият қисми учун деярли йўқлиги ва тўртинчидан, аксарият таълим олувчиларда масофавий ўқиш учун техник воситаларнинг (компьютер, ноутбук, гаджетларнинг) мавжуд эмаслиги, талабаларнинг ўқув фаолиятига қизиқиши ва қониқиши сўниши мумкин. Шубҳасиз, бундай ҳолат таълим сифатига салбий таъсир этмасдан қолмайди, техник носозликлар ва бошқа омиллар ўқув жараёнида узилишларга олиб келади.

Шу сабабдан ўқув жараёнини самарали олиб борилишига эришиш мақсадида юқорида камчиликлар ва муаммоларга ечим топиш лозим. Ўқув фаолиятига қизиқишида талабалар ва ўқитувчилар ўртасида мотивацияни кучайтириш ва ўқув жараёнини ташкил этишдан қониқиш мақсадида таълимни давом эттириш истагини қўллаб-қувватловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Киспаева Т.Т., Киспаев Т.А. Современные тренды медицинского образования: проблемы и перспективы // Журнал Медицина и экология - 2015. №4. - 33-39 бетлар.

2. Мельникова И.Ю., Романцов М.Г. Особенности медицинского образования и роль преподавателя вуза в образовательном процессе на современном этапе // Международный журнал экспериментального образования. – 2013. – № 11-2. – 47-52 бетлар. URL: <http://www.expeducation.ru/ru/article/view?id=4314> (дата обращения: 12.01.2021).

3. <http://dstudy.ru/articles/>

4. <https://review.uz/oz/post/>

МЕДИЦИНСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ВНЕДРЕНИЕ КУРСА «СИМУЛЯЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ»

MUNDARIJA

ПРИВЕТСТВЕННОЕ СЛОВО РЕКТОРА		3
PLENAR MAJLIS ПЛЕНАРНОЕ ЗАСЕДАНИЕ PLENARY SESSION		
<i>Гурылева Марина Элисовна</i>	Значение биоэтики как науки и учебной дисциплины в социогуманитарной компоненте профессионального медицинского образования	8
<i>Беляева Елена Валериевна</i>	Изучение биоэтики в период пандемии COVID-19	11
<i>Мухамедова Замира Мухамеджановна</i>	Роль биоэтики в медицинском образовании и общественном здравоохранении	13
<i>Dr. Ali Ahmad, PhD Cand. Kerim Karadal, Dr. Dababrata Chowdhury</i>	Understanding healthcare organisational aspects for managing crisis situation-perspective of COVID-19: The role of trust during organisational change management	19
<i>Кудайбергенова Тамара Асановна, Орозалиева Анипа Алымбековна, Айдаров Зиябидин Абдырайымович</i>	Роль религиозных верований кыргызов в формировании биоэтической культуры населения в чрезвычайных условиях COVID-19	19
<i>Халматова Барно Турдиходжаевна, Абдуллаева Дилорам Тельмановна, Сотиболдиева Насиба Раджабовна</i>	Этические основы подготовки врача	23
<i>Базарбаев Мурод Ирисалиевич, Марасулов Ахмад Фаёзович, Унгобоева Дилором Урозовна</i>	Цифровая трансформация: интегрирование симуляционное и личностно-ориентированное образование использованием системы дистанционного обучения	25
<i>Атамуратов Садулла</i>	Миллий онг ва уни ривожланишига таъсир этувчи омиллар	34
MARKAZIY OSIYO MINTAQASIDA TIBBIY TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH MUAMMOLARI ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНО АЗИАТСКОМ РЕГИОНЕ PROBLEMS OF IMPROVING THE SYSTEM OF MEDICAL EDUCATION IN THE REGION OF CENTRAL ASIA		
<i>Саломова Ф.И., Ахмадалиева Н.О., Абдукадирова Л.К., Садуллаева Х.А., Шарипова С.А.</i>	Олий таълим муассасаларида талабаларни масофавий ўқитишнинг ўзига хос томонлари	37
<i>Гадаев А.Г., Халматова Б.Т., Абдурахимова Л.А.</i>	Медицинское образование: внедрение курса «Симуляционное обучение»	39
<i>Коломиец В.М., Таштулатова Ф.К., Буйневич И.В.</i>	Дискуссионные вопросы образовательного процесса по специальности «Фтизиатрия» при пандемии COVID-19	43